



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2020 йил – илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 26 март, № 63 (7565)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.




САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом Оллохшукр Пошшозодадан қутлов келди. **Мактубда, жумладан, шундай дейилган:**

«Биз учун ёрқин ва қадрли Наврўз айёми муносабати билан Сиз ва қардош Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни билдираман.

Муҳтарам Шавкат Миронович! Бу байрам менга дилимдаги сўзларни яна бир бор Сизга етказиш, ҳар бир оилага тинчлик ва фаровонлик, бутун Ўзбекистон халқига тараққиёт ва равнақ тилаш имкониятини тақдим этганидан мамнунман. Мен шахсингизни юксак қадрлайман, Сиз, Жаноби Олийларининг тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, маънавий илдиэлари муштарак бўлган халқларимиз ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган доно маслаҳатларингиз ва фикр-мулоҳазаларингизга улкан аҳамият қаратаман.

Шу кунларда Сиз, Жаноби Олийлари — Ўзбекистоннинг атоқли фарзандига энг эзгу тилаклар билдириб, Сизга Яратганининг раҳмат ва марҳаматлари ёғилишини, Аллоҳ таоло муваффақиятларингизни зиёда қилишини, қардош Ўзбекистон халқига фаровонлик ва равнақ тилайман».



ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси олдимизда турган вазифа ва мақсадларни рўёбга чиқаришда дастуриламал ҳисобланади. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан ушбу Мурожаатномада, парламент палаталари қўшма мажлиси ва ташкилий йиғилишларида белгилаб берилган устувор вазифалар асосида ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинганидан сўнг тегишли мутахассис ва экспертлар иштирокида чуқур таҳлил этилиб, қабул қилинди.

Депутат фикри

Бевосита ўзимизнинг фаолиятимизга тўхталадиган бўлсак, жорий йилга мўлжалланган Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис қуйи

палатасининг 2020 йилга мўлжалланган иш режаси қабул қилинди.

Унга мувофиқ, фуқароларнинг интернет тармоғидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат

сўровларини шакллантириш, сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобиль иловадан фойдаланиш имконини берувчи "Электрон парламент" тизими жорий этилмоқда.

Қонунчилик палатасида йил якунига қўра, қабул қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай баҳоланганини, унинг самарадорлик даражасини мониторинг қилиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора қўриш амалиёти шакллантирилаётгани аҳолининг бизга бўлган ишончини мустаҳкамлаш билан бирга, улкан масъулият ҳам юклайди.



Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан.

Юридик таълим:

БУГУНГИ ҲОЛАТ, МУАММОЛАР ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Президентимизнинг парламентга йўллаган Мурожаатномасида биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз, бунинг учун, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур, деган муҳим фикрлар янгради. Шу боис ҳам бугун боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача — таълимнинг барча бўғини ислох қилинмоқда.

Албатта, мамлакатимиз таълим тизимининг бир бўлаги, бу — юридик таълим ҳисобланади. Айниқса, ҳуқуқшунослик соҳасида малакали кадрларни тайёрлашда Тошкент давлат юридик университети алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари — Тошкент давлат юридик университети ректори, юридик фанлар доктори Раҳим ҲАКИМОВ билан суҳбатимиз ана шу мавзу доирасида, эришилган ютуқлар, муаммолар ва келгусидаги устувор вазифалар ҳақида бўлди.

3-саҳифага қаранг



ЎЗИНГНИ АСРАСАНГ, ЎЗГАНИ АСРАЙСАН!

Кўпчилик яхши хабардор: Хитойнинг Ухан шаҳридан бошланган коронавирус инфекцияси (COVID-19) янги давру замонларнинг чинакам кулфати сифатида орадан кўп ўтмаёқ дунё мамлакатларида ҳам, она Ватанимизда ҳам ўз акс садосини берди.

Долзарб мавзу

Акс садо, деган ибора балки бу ўринда мазкур пандемиянинг бор маҳобатини оқибатини ўзида мужассам этолмас, бироқ ахборот каналларию ижтимоий тармоқлар, турли инновацион сайтларнинг туну кун тинимсиз бериб борган шарҳ ва муносабатлари, дарҳақиқат, ҳам хайратланарли, ҳам хавотирли бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.



Бугун каттаю кичикнинг нигоҳи оммавий ахборот воситаларида, ҳамма ерда шу гап: коронавирус! Бу хавфли хасталикдан ҳимояланиш, уни тезроқ бартараф этиш ҳаракатида. Президентимиз ҳам мамлакат миқёсида катта йиғилиш чақириб, мутасаддиларга бу борада тегишли топшириқларни берди, халқимизга мурожаат қилиб, жамиятда коронавирусга қарши курашга алоҳида эътибор қаратди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Сенатор мушоҳадаси

ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДА — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ МУЖАССАМ

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ана шу мақсадга йўналтирилган.

Ўзбекистон рақобатбардош, таркибий жиҳатдан мувозанатлашган, барқарор ривожлана оладиган, жаҳон технологик ва иқтисодий муҳитига интеграциялашадиган иқтисодиётни шакллантириш йўлидан дадил борапти. Бунинг учун, аввало, қишлоқ хўжалигига ресурс тежовчи технологияларни жорий қилиш ҳамда инновацион омиллардан фойдаланиш талаб этилади.

Шу мақсадда мамлакатимизда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, агросаноат тармоғини оптимал диверсификациялаш, ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини рақамлаштириш, молиялаштириш масалаларини тубдан ислох қилишга қаратилган эзгу сай-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 9 та устувор йўналиш, 40 та индикатор ҳамда 59 банддан иборат "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлаётди. Унга қўра, "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ишлаб чиқилди.

— Шунингдек, соҳага оид 6 та қонун, Президентнинг 24 та Фармони, 46 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 105 та қарори қабул қилинди.

Амалга оширилган ишлар ва қўрилган чоралар натижасида мамлакат бўйича 217,7 трлн. сўмлик ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, 2018 йилдагига нисбатан 111 фоизлик ўсишга эришилди.

Соҳада юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмини ошириш, фойдаланишдан чиққан ва лалми ерларни ўзлаштириш, пахта, бошқоқ дон экинларидан қисқартирилаётган майдонларга экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш ҳамда бог, тоқзор ва иссиқхоналар имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида кластерлар, қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини (кооперация) ташкил этиш ва уларни устувор ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада 2019 йилнинг ўзида 77 та пахта-тўқимачилик кластери фаолияти йўлга қўйилди.

Пахтачилик соҳасида муваффақиятли синовдан ўтаётган кластер усули қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам кенг жорий қилиняпти. Сифатли ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, уларни қайта ишлаб, ривожланган давлатлар бозорларига йўналтириш мақсадида улар экспорт географиясини кенгайтиришга ҳам жиддий эътибор берилаётди.

2019 йилда жами 1 млрд. 250,4 млн. доллар қийматидаги 1,4 млн. тонна маҳсулот Словакия, Бразилия, Жазоир, Исроил, Венгрия, Гонконг, Кувейт, Греция, Мўғулистон, Марокаш, Австралия, Босния ва Герцеговина, Франция, Канада, Қатар каби давлатларга экспорт қилинди.



КОРОНАВИРУС бўйича маълумот:

дунёда

2020 йил 25 март ҳолатига қўра,
жами касалланганлар сони —
433 073 нафар,
касалиқдан тузалганлар сони —
114 058 нафар,
вафот этганлар сони —
19 813 нафар.

Ўзбекистонда

2020 йил 25 март
соат 23.00 ҳолатига қўра,
касалланганлар сони —
60 нафар,
вафот этганлар йўқ,
беморларнинг аҳволи
қониқарли ҳолатда.

УЙДА ҚОЛИНГ!

